

Мазкур йўрикнома Самарқанд давлат университети кенгашининг 2022 йил 31 марта 9-сон йиғилиш карори билан тасдиқланган

Самарқанд давлат университетида талабалар билимини назорат қилиш ТАРТИБИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Мазкур тартиб ва баҳолаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2018 йил 9 августдаги 19-2018-сон буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги Низомлар асосида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сон «Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқкан ҳолда ишлаб чиқилган ва Самарқанд давлат университетида (бундан буён матнда университет деб юритилади) талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Университет талабалари (бундан буён матнда талабалар деб юритилади) билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг мақсади — юқори малакали, ракобатбардош, кадрлар тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш, олий таълим тизимида илғор технологияларни қўллаш, етакчи олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари билан муҳим йуналишларда ҳамкорликни йулга кутиш, замонавий ҳалқаро стандартларга жавоб берса оладиган кадрларни тайёрлаш ҳамда талабаларда мустакил таълим олиш, шунингдек, университетни жаҳоннинг нуфузли университетлари рейтингига киришини таъминлашдан иборат.

2. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг асосий вазифалари кўйидагилар хисобланади:

талабаларда давлат таълим стандартларига мувофиқ, тегишли билим, кўнікма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;

талабалар билими, кўнікма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари: давлат таълим стандартлари ва малака талабларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик, билимларни баҳолашда шаффоғлиқни таъминлаш;

ўқув материалининг талабалар томонидан тизимли равишида ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

талабаларда мустакил ишлаш кўнікмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш;

талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини ўз вактида маълум қилиш;

талабаларнинг ўқув режаси доирасида комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш.

3. Фанлар буйича талабалар билимини семестр давомида баҳолаб бориш назорат жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

4. Синов бирликлари, баҳолаш мезони дастурда белгиланган таълим натижаларини акс эттирган ҳолдагина ўзлаштирилади. Агар таълим оловчи белгиланган натижаларига эриша олмаса, синов бирликлари ўзлаштирилмайди. Таълим натижаларини акс эттирган талабага ўзлаштирилган синов бирликлари миқдори дастур элементига берилган синов бирликлари миждорига тенг. Талаба мазкур тартибга мувофиқ фан ўқув дастури мазмунини ўзлангиртган (олтаг) рейтинг



С.Б.

балидан катьйи назар) тақдирда, у тегишли фан бўйича ўзлаштирган (таълим кредит тизими шароитларида амалга оширилганда кредитларнинг зарур сонини тўплаган) деб хисобланади.

5. Мазкур тартиб 2021-2022 ўкув йилидан амалиётга жорий қилинади. Тартиб университетнинг бакалавриатура ва магистратурасининг барча курсларига тегишилдири.

2-боб. Назорат турлари ва баҳолаш мезонлари

6. Университетда талабалар билимини назорат қилиш мустақил таълим (МТ) топширикларини ҳимоя қилиш ҳамда якуний назорат (ЯН) турини ўтказиш орқали амалга оширилади.

МТ топширикларини бажариш, ҳимоя қилиш ва якуний назорат жадваллари, шакллари, МТ топшириклар ҳимоялари, ЯН назоратлар учун белгиланган максимал ва саралаш баллари кафедра мудири тавсияси билан факультет ўқув-услубий кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқланади ҳамда ҳар бир фаннинг ишчи ўқув дастури (силлабус)да машғулот турлари билан биргаликда кўрсатилади. (Максимал ва саралаш баллари ҳар бир МТ топширик учун белгиланади)

1-§. Талабанинг МТ топширикларни, амалий, семинар, лаборатория машғулотларида фаоллиги (ДФ) ни баҳолаш

7. МТ топширикларни ҳимоя қилиш семестр давомида ишчи фан дастурининг (силлабуснинг) тегишли бўлими тугагандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникмаларини баҳолаш максадида ўқув машғулотлари давомида, **фаннынг хусусияти ва фанга ажратилган соатлардан келиб чиқиб тегишли кафедра томонидан белгиланади график асосида ўтказилади.**

8. МТ топширикларни бажариш тури ҳар бир фан бўйича фаннинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириш мумкин.

Талабанинг мустақил равишда бажарган топширикларининг ёзма баёни (маъруза ва реферат матнлари, конспектлари, топшириқ дафтарлари, назорат ишилари, ижодий ишилар, тақризлар ва мақолалар ва ҳ.к.) кафедрага топширилади, қатъий график бўйича кафедра комиссиясида тақдимот (презентация) шаклида ҳимоя қилинади.

9. Ҳимоя пайтида талаба ишининг мазмуни ва моҳиятини гаптириб берииши, саволларга жавоб берииши, тушунтириб ва асослаб бера олиши, топширикларни чуқур ўзлаштирганини намоён қилиши, топшириқ, бўйича билимларни ҳақиқатдан ҳам мустақил равишда бажарганлигини исботлай олиши лозим.

10. Ҳимояда маъруза ва амалиёт ўқитувчилари билан бир қаторда кафедрадан яна камида бир киши (эксперт) иштирок этади. Эксперт ҳимоягача бажарилган топшириқнинг ёзма баёнини (реферат, конспект, маъруза, мақола, амалий топшириклар бажарилган дафтар, ижодий иши намуналари ва ҳ.к.) кўриб чиқиб, қисқача хуоса (тақриз) беради ва талабанинг мустақил билим олиши бўйича фаолиятини баҳолашида уйбу хуоса эътиборга олинади.

11. Талабанинг МТ бўйича фаолиятини баҳолашда унинг топширикларни қанчалик тўлиқ, тўғри ва сифатли бажарганлиги, янги билимларни ўзлаштриш даражаси, топширикларни бажаришга қанчалик ижодий ёндашганлиги, топширикларни бажариш муддатига қанчалик амал килганлиги хисобга олинган ҳолда балл қўйилади.

12. Талабанинг амалий, семинар, лаборатория машғулотларида фаоллиги (ДФ), амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини олиб борадиган фан ўқитувчиси томонидан дарс давомида баҳолаб борилади.

Бунда:



- талабанинг дарсда фаоллиги;
- фан ўқитувчиси томонидан берилган уй вазифаларни ва қўшимча топширикларни ўз вактида тўғри, аниқ ва мустақил тушинган ҳолда бажарганлиги;
- лаборатория топширикларини назарий ва амалий билимлардан тўғри фойдаланган ҳолда бажариши инобатга олинади.

13.МТ ва ДФ бўйича талабанинг ўзлаштириш натижалари қайдномада белгиланган устунга қайд этилади **ва жамланмаси Hemis.samdu.uz платформасига киритилади..**
Баҳолаш мазкур Низомнинг 32-бандида назарда тутилган мезонлар асосида амалга оширилади.

2-§. Якуний назорат ва уни ўтказиши

14. Университетда Якуний назорат тури семестр якунида тегишли фан бўйича талабанинг назарий билим ва амалий кўникмаларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

15. Якуний назорат турини ўтказиши шакли тегишли фан бўйича кафедра томонидан белгиланади.

16. Якуний назорат тури университетнинг тегишли факультет декани ёки ўқув-услубий бўлим томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланадиган Якуний назорат турларини ўтказиши жадвалига мувофиқ ўтказилади. *Университетда оратиқ назорат ўтказилмайди.*

17. Якуний назорат фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларнинг талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули хисобланади. Якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган «Ёзма иш», «Тест» ва таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликларининг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда «Оғзаки» шаклларда ўтказилади. Якуний назорат «Ёзма иш» шаклида ўтказилишга 80 дақиқа вақт берилади, ушбу назорат математикага оид фанлардан ўтказилганда эса 120 дақиқа вақт берилади. Якуний назорат «Тест» шаклида ўтказилганда ҳар бир саволга 1,5 дақиқадан вақт ажратилади. Якуний назорат «Оғзаки» шаклда ўтказилганда ҳар бир талабага тайёрланиши ва жавоб бериши учун 30 дақиқагача вақт ажратилади.

18. Тегишли фан ўқитилаётган кафедра мудири ўқув семестрининг тўртинчи хафтаси бошланишидан кечикмаган ҳолда якуний назорат ўтказилиши белгиланган шакллар асосида фанлардан якуний назорат саволларини факультет ўқув-услубий кенгаши мухокамасидан ўтказиб, кенгаш хулосасини илова қилган ҳолда бакалавриат таълим йўналишлари фанлари бўйича “Назоратларни ташкил этиш ва ўтказиши бўлими”га, магистратура мутахассисликлари фанлари бўйича “Магистратура бўлими”га тақдим қилинишини таъминлаши шарт.

Назоратларни ташкил этиш ва ўтказиши бўлими (магистратура бўлими) якуний назорат саволларини олган кундан бошлаб икки ҳафта давомида уларнинг экспертизасини ташкил киласди. Экспертизадан ўтказилган якуний назорат саволлари тегишли фанлар бўйича якуний назорат саволлари ягона базасига қўшилади. Якуний назорат саволлари ягона базаси ҳар йили тақдим қилинадиган якуний назорат саволлари хисобига кенгайиб боради. Университет якуний назорат саволлари ягона базасидан талабалар ва педагог ходимларнинг фойдаланишига имконият яратилишини таъминлайди.

19. Назоратларни ташкил этиш ва ўтказиши бўлими (магистратура бўлими) якуний назорат саволлари ягона базасида мавжуд саволлар асосида якуний назорат билетларини тузади. Атестация бошланишидан икки ҳафта олдин тегишли кафедра мудири жсалб этилиб якуний назорат билетлари муаян фан дастурини қамраб олганлиги семестрлар кесимида таҳтидан ўтказилади.

20. Якуний назоратлар Назоратларни ташкил этиш ва ўтказиши бўлими (магистратура бўлими) томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланадиган жадвал асосида, кафедраларнинг педагог ходимлари, жамоатчилик



орасидан тайинланадиган аудитория раҳбари ва кузатувчилар томонидан ўтказилади. (Бунда, аудитория раҳбари ва кузатувчилар ўз зиммасига юклатилган вазифасига масъулятсиз ёндошса иш берувчи билан тузилган шарноманинг тегишли банди бўйича огохлантирилиш берилади.)

21. Якуний назоратни ўтказишда ректор томонидан буйруқ билан тайинланган университетнинг бошқа ходимлари ҳам қатнашиши мумкин. Бир кунда 1 та дан ортиқ фан бўйича якуний назорат ўтказилишига йўл қўйилмайди. Фанлардан якуний назоратларни ўтказиш камидаги 2 кун оралиғида белгиланиши лозим.

Якуний назорат жадваллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларнинг тасдиқланган рўйхати университет таркибий тузилмалари ҳамда факультетларга якуний назоратлар бошланишига бир хафта қолганда етказилади. Якуний назорат жадвалларининг талабаларга етказилишига факультет деканлари шахсан масъулдир.

22. Якуний назорат билетлари аудиторияга Назоратларни ташкил этиш ва ўтказиш бўлими (магистратура бўлими)нинг масъул ходими томонидан жавоб варагалари билан бирга етказилади.

Якуний назорат ўтказиш вақтида талабаларнинг якуний назорат билетларидағи саволларнинг мазмуни тўғрисидаги мурожаатлари кўриб чиқилмайди.

Шифрланган ишни баҳолашнинг объективлигига таъсир кўрсатувчи ҳолатлар аниқланганда, шу жумладан Якуний назорат билети иш билан бирга топширилмаса, саволлар ёки жавоблар ишда келтирилган саволлар билан мос келмагандан, сўзнинг устига ёки тагига чизиш ёхуд атрофини чизиб қўйши, ишда текширувчи шахс номига муроҷсаатнинг мавжуд бўлиши, жавоблар варагининг турли қисмларига (шу жумладан, очиқ колдирилган жойларига) график белгилар қўйши, иш матнида талабанинг фамилияси, исми, отасининг исмини кўрсатиш, ишни бошқа шахснинг дастхати билан ёзиш ҳолатлари мавжуд бўлганда, иш учун 2 (қониқарсиз) баҳо қўйилиши мумкин.

20. Якуний назорат ишлар текширилиши ушбу Йўриқноманинг З-бобига мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. Якуний назоратнинг объективлигини таъминлаш

23. Якуний назорат ўтказишда баҳоларнинг холислигини таъминлаш мақсадида талабалар тўғрисидаги маълумотлар уларнинг ёзма ишларига Назоратларни ташкил этиш ва ўтказиш бўлими (магистратура бўлими) томонидан идентификация кодлари бериш ўюли билан шифрланади.

Ёзма ишларни текширишга республиканинг етакчи олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари жалб этилади. Ёзма ишларни текширишга масъул бўлган ўқитувчилар рўйхати Назоратларни ташкил этиш ва ўтказиш бўлими (магистратура бўлими) тақдимига биноан ўкув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади.

Ёзма ишларни текшириш жараёнида педагог ходимлар фаолиятини техник жихатдан таъминлаш максадида Назоратларни ташкил этиш ва ўтказиш бўлими (магистратура бўлими) ходими иштирок этиши шарт.

Текшириш якунланган куни ёзма ишлар Назоратларни ташкил этиш ва ўтказиш бўлими (магистратура бўлими) қайтарилади. Текшириши натижалари талабалар рейтингини аниқлаш электрон тизимига киритилиши, шунингдек текширишни амалга оширган педагог ходим томонидан тасдиқланган, топшириш рейтинг қайдномаси шаклида расмийлаштирилган бўлиши шарт. Ёзма иш натижалари иш республиканинг етакчи олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан текширилганда бир хафта мuddатда, университет профессор-ўқитувчилари томонидан текширилганда икки кун муддатда эълон қилиниши лозим.

24. Якуний назоратни топшириш рейтинг қайдномаси талабанинг шахснин аниқлаб бўлмайдиган тарзда (фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатишмаган ҳолда) тузилади, факат талабага тегишли бўлган идентификацион код кўрсатишбўл расмийлаштириллади.

25. Талаба баҳолаш натижасидан норози бўлган такдирда баҳолаш натижаси эълон



килинган вактдан бошлаб 24 соат давомида апелляция бериши мумкин. Талаба томонидан берилган апелляция Апелляция комиссияси томонидан 2 кун ичиде кўриб чиқилиши лозим.

26.Текширилган ёзма ишлар Назоратларни ташкил этиш ва ўтказиш бўлими (магистратура бўлими)да олти ой мобайнида сақланади. Муддати ўтган ишлар йўқ қилинади.

27.Талаба узрли сабаблар (оғир қасаллик, йўл-транспорт ходисаси, яқин қариндошининг вафоти, никоҳ тузиш, фарзанд туғилиши)га кўра якуний назоратга кирмаган тақдирда, узрли сабаб хужжатини илова қилган ҳолда мурожаат қилинганда, ушбу талабага якуний назоратни топширишга қайта якуний назоратгача бўлган даврда ўкув ишлари проректори томонидан рухсат этилади. Бунда, тегишли фандан қайта имтиҳон ўтказилгандан кейин дастлабки шакл асосида якуний назорат топширишга рухсат этилмайди.

28.Талаба куйидаги ҳолларда академик карздор ҳисобланади:

таълим кредит тизими шароитларида амалга оширилганда талаба бир фандан унга ажратилган аудитория соатларининг 25 фоизини ва ундан ортиқ соатни сабабсиз колдирган бўлса, автоматик равишда якуний назоратга киритилмаганда;

Бунда мазкур фан бўйича тегишли кредитларни ўзлаштирулмаган ҳисобланади ва талабага *бу фандан қайта топшириши имконияти берилмайди*. Бундай талabalар татил вактида ёки кейинги семестрлар мобайнида тегишли фанлардан ўзлаштирулмаган кредитлар миқдорига мос равишда базавий тўлов-контракт миқдоридан келиб чиқкан ҳолда тўловни амалга оширгандан сўнг ўзлаштирулмаган фанларни ўз ҳисобидан қайта ўкиш хукуқига эга бўлади.

-мустақил таълим топшириклари ҳимояси, амалий, семинар, лаборатория машғулотларида фаоллиги 0-23 (Биология, Кимё, Физика (2022-2023 ўкув йилдан Мухандислик физика институти), Математика факультет талabalariга 0-29) фоиз (“қоникарсиз”) баҳолангандা;

-сабабсиз якуний назоратга келмаганда;

-талабанинг билим даражаси 0-59 фоиз (“қоникарсиз”) баҳолангандা;

29.Битиравчи курс бўлмаган талabalар кузги семестр натижалари бўйича 3 тагача фандан (фанлардан) академик карздорлиги бўлган ҳолларда талабага бир ойгача, баҳорги семестр натижалари бўйича 3 тагача фандан (фанлардан) академик карздорлиги бўлган талабага тегишли фан (фанлар) бўйича якуний назорат турларини янги ўкув йили бошидан қайта топшириш учун 1 ой муддат берилади.

Битиравчи курс талabalariга баҳорги семестр натижалари бўйича ўзлаштирулмаган фандан (фанлардан) қайта топшириш учун якуний давлат аттестацияси бошлангунга кадар рухсат берилади. Талабага якуний назоратни қайта топшириш учун берилган муддат давомида талаба томонидан қайта топширишлар сони 2 мартадан кўп бўлмаслиги керак

Фанлардан академик карздорлиги 4 та ва ундан кўп бўлган талabalарга қайта топширишга рухсат берилмайди ва улар, шунингдек, якуний назоратни қайта топшириш учун берилган муддат давомида академик қарздорликни бартараф этмаган талabalар факультет деканининг билдириши асосида университет ректорининг буйруғи билан курсдан колдирилади. Мазкур коидалар таълим кредит тизими шароитларида амалга оширилаётган талabalар учун татбик этилмайди.

30.Таълим кредит тизими шароитларида амалга оширилаётган талabalарга семестр натижалари бўйича академик қарздорлиги бўлган ҳолларда қайта топшириш учун бир ойгача муддат берилади. Талабага якуний назоратни қайта топшириш учун берилган муддат давомида талаба томонидан қайта топширишлар сони **иккى марта**дан кўп бўлмаслиги керак.

Якуний назоратни қайта топшириш учун берилган муддат давомида академик қарздорликни бартараф этмаган талabalарга таътил вактида ўз ҳисобидан қайта ўкиш



имконияти берилади.

4-боб. Баҳолаш тартиби ва мезонлари

31. Талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси талабаларнинг билим, малака ва кўнимкалари 5 баҳолик тизимда амалга оширилади.
32. Талабанинг семестр мобайнидаги ҳар бир фан бўйича ўзлаштириши 100 баллик тизим асосида бутун сонлар билан баҳоланади.
- А) Талаба 100 баллнинг **40 баллини** (Биология, Кимё, Физика (2022-2023 ўкув йилдан Мухандислик физика институти), Математика факультет талабалари **50 баллни**) МТ топшириклари химоя килиш, амалий, семинар, лаборатория машғулотларида фаоллиги эвазига тўплайди. Бунда амалий, семинар, лаборатория машғулотларида фаоллиги эвазига **20 баҳлгача** (*талабанинг амалий, семинар, лаборатория машғулотларида фаоллиги қўйилган балл(баҳо) кейинчалик ўзгартирилмайди*) баҳоланади.
- Б) Мустақил таълим топшириклари химоя учун **20 баҳлгача** (Биология, Кимё, Физика (2022-2023 ўкув йилдан Мухандислик физика институти), Математика факультет талабалари **30 баҳлгача**) баҳоланади. Агарда талаба МТ топшириклари химояси ва ДФ учун **0-23(40 баҳлдан)** (Биология, Кимё, Физика (2022-2023 ўкув йилдан Мухандислик физика институти), Математика факультет талабалари **0-29 (50 баҳлдан)**) баҳлгача баҳоланса, у холда талабага МТ топшириклари химоясига **икки марта рухсат** берилади (тегишли фандан якуний назоратни кайта топшириш имкониятига эга бўлиш учун), МТ топшириклар кайта химояси факультет декани фармоиши асосида тузилган комиссия томонидан ўтказилади ва дарс машғулотларини олиб борган **фан ўқитувчилари комиссия таркибига киритилмайди**.
- С) Талабанинг семестр якунида муаян фандан топширган якуний назоратга **60** (Биология, Кимё, Физика (2022-2023 ўкув йилдан Мухандислик физика институти), Математика факультет талабалари **50**) баҳлгача берилади.

Тўпланган баллар умумлаштирилиб якунда мазкур тартибининг 1-иловаси асосида 5 баҳолик тизимга конвертация қилинади.

33. Талабалар билимини ҳисобга олиш электрон тизимида алоҳида баҳоланадиган курс иши (лойиха, жадвал-хисоблаш иши), амалиёт (стажировка), якуний давлат аттестацияси, битирув малакавий иши, шунингдек магистрлик диссертацияси бўйича ўзлаштириш 5 баҳолик тизимда амалга оширилади.

34. Назорат унга ажратилган максимал баллнинг 100 фоизидан келиб чиккан ҳолда баҳоланади.

Талабанинг фан бўйича ўзлаштиришини баҳолашда қуйидаги намунавий мезонлардан (бундан буён матнда намунавий мезонлар деб юритилади) келиб чикиш тавсия этилади:

а) 90-100 % (“аъло”) олиш учун талаба (таълим кредит тизими шароитларида амалга оширилганда 87-100 фоиз (“аъло”));

ўкув дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чукур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослантириши;

илмий терминологиядан (шу жумладан, хорижий тилда ҳам) аник, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантикан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;

фаннинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қиска вакт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши;

ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши;

амалий масалаларни қиска, асосланган ва рационал равишида ҳал этиши;

фан ўкув дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча алабиётларни тўлиқ ва чукур ўзлаштириши;

ўрганилаётган фан бўйича назариялар, концепциялар ва йунацилар мөхиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошка фанлар илмий ютуқларини кўллай олиши;



семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида бутун семестр мобайнида ижодий ва мустакил катнашиши, гурухли мухокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юкори маданият даражасига эга бўлиши лозим;

б) 80-89 % (“яхши”) олиш учун талаба (таълим кредит тизими шароитларида амалга оширилганда 73-86 фоиз (“яхши”));

ўкув дастурининг барча бўйимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослантириши;

илмий терминологиядан (шу жумладан, хорижий тилда ҳам) аник, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантикан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалashi;

ўз фикрини исботлашда ёки бошка назарий материални баён қилишда юзага келган ноаникликларни мустакил бартараф эта олиши;

фаннынг таянч тушунчаларини билиши, қиска вакт ичида илмий ва касбий вазифаларни қутиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;

стандарт вазиятларда муаммоларни ўкув дастури доирасида мустакил ҳал қила олиши;

билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;

фан ўкув дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;

ўрганилаётган фан бўйича назариялар, концепциялар ва йуналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танкидий баҳо бериши;

семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида бутун семестр мобайнида ижодий ва мустакил катнашиши, гурухда мухокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юкори маданият даражасига эга бўлиши лозим;

в) 60-79 % (“коникарли”) олиш учун талаба (таълим кредит тизими шароитларида амалга оширилганда 60-72 фоиз (“коникарли”));

давлат таълим стандартлари доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши;

илмий терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қутиши;

жавоб беришга ёки айрим маҳсус қўнималарни намойиш қилишда қийналганда, фан бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;

фаннынг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;

педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши; ўқилаётган фан бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йуналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;

семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида педагог ходим раҳбарлигида катнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;

г) талабанинг билим даражаси 0-59 фоиз (“қоникарсиз”) га баҳоланади, агар: давлат таълим стандартлари доирасида факат айрим фрагментар билимларга эга бўлса;

илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантикий хатоларга йўл қўйса;

семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида пассив катнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса;

амалий қўнималарга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.

5-боб. Қайта ўқишини ташкил этиш

36. Кредит-модуль тизими жорий этилган курсларда тахсил олаётган талаба, академик карздорлиги бўлган фанидан қайта таълим олиш учун таътил вактида ўз хисобидан (карздорлик сакланиб қолинаётган фанга ажратилган кредит микдорида мос қийматда маблағ тўлаш орқали) қайта ўқиши хуқукига эга. Қайта ўқиш давомида талаба мазкур



йўриқнома асосида баҳоланади.

Академик карздор талабага қайта топширишда назоратлар учун ажратилган максимал баллнинг 60 фоизидан ортиқ балл қўйилиши мумкин эмас.

37. Таътил давомида академик карздорликни бартараф этмаган талабалар академик қарздорлиги мавжуд фанлари келгуси ўкув йили (семестр)да ўқитилиши белгиланган фаннинг узвий давоми бўлмаса тегишли фанлар бўйича академик карздорликни қайта ўқиш шарти билан кейинги курс (семестр)га, ўқитилиши белгиланган фаннинг узвий давоми бўлса, узвий давоми бўлган фанни келгуси ўкув йилида ўқиш шарти билан кейинги ўкув йили (семестр)га ўтказилади. Давлат гранти асосида тахсил олаётган талабаларга академик қарздорлик бартараф этилмагунча стипендия тўланмайди. Ушбу коида бакалавриат ёки магистратура босқичида назарий ўқишнинг охирги семестрида ўтиладиган ўкув фанларига татбиқ этилмайди.

Талабани босқичдан-босқичга ўтказиш унинг GPA кийматини хисобга олган ҳолда амалга оширилади. GPA киймати 2,6 дан паст талаба қайта ўқиш учун тегишли босқичда қолдирилади. Курса қолдирилган талаба амалдаги қонунчиликка кўра, шартнома тўловини академик қарздор бўлиб қолган фанининг кредитига мос миқдорда амалга оширади. Талабанинг бошқа фанлар бўйича тўпланган кредитлари сакланиб қолинади.

6-боб. Якуний қоидалар

38. Мазкур тартиб Самарқанд давлат университетида талабалар билимини назорат килиш учун асосий меъёрий хужжатdir. Жараёнда юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий муаммоли ҳолатлар учун истиснолар факат университет кенгаши карори асосида амалга оширилади.




A handwritten signature is placed over the official seal.

Самарканд давлат университетида талабалар билимини назорат килиш тартиби ва баҳолаш мезонларига I- илова

Самарқанд давлат университетида 100 баллни 5 баҳолик тизимга конвертация қилиш
ЖАДВАЛИ

Баҳо	Таълим кредит тизими шароитларида амалга оширилмаётган талабаларга ўқитиладиган фанлар бўйича	Таълим кредит тизими шароитларида амалга оширилаётган талабаларга ўқитиладиган фанлар бўйича
5 (аъло)	90-100 %	87-100 %
4 (яхши)	80-89 %	73-86 %
3 (коникарли)	60-79 %	60-72 %
2 (коникарсиз)	0-59 %	0-59 %



6
2016

**Мустақил таълим топшириқлари химоя қилиш, амалий, семинар, лаборатория
машғулотларида фаоллиги эвазига түплаган 40 баллни 5 баҳолик тизимга конвертация
қилиш
ЖАДВАЛИ**

Баҳо	Таълим кредит тизими шароитларида амалга oshiрилмаётган талабаларга ўқитиладиган фанлар бўйича	Таълим кредит тизими шароитларида амалга оширилаётган талабаларга ўқитиладиган фанлар бўйича
5 (аъло)	36-40 %	35-40 %
4 (яхши)	32-35%	29-34 %
3 (коникарли)	24-31 %	24-28 %
2 (коникарсиз)	0-23 %	0-23%

**Мустақил таълим топшириқлари химоя қилиш, амалий, семинар, лаборатория
машғулотларида фаоллиги эвазига түплаган 50 баллни 5 баҳолик тизимга конвертация
қилиш ЖАДВАЛИ**

Биология, Кимё, Физика (2022-2023 ўқув йилдан Мухандислик физика институти), Математика факультет
талабаларига учун

Баҳо	Таълим кредит тизими шароитларида амалга oshiрилмаётган талабаларга ўқитиладиган фанлар бўйича	Таълим кредит тизими шароитларида амалга оширилаётган талабаларга ўқитиладиган фанлар бўйича
5 (аъло)	45-50 %	44-50 %
4 (яхши)	40-44%	36-43 %
3 (коникарли)	30-39 %	30-35 %
2 (коникарсиз)	0-29 %	0-29%

**Муаян фандан якуний назорат ёзма иш саволларга 60 баллни тақсимот жадвали
ЖАДВАЛИ (якуний назорат тест шаклида 60 та саволга 1 баллдан)**

Саволлар	Савол қайси тур машғулотга тегишли	Савол жавобига бериладиган балл
1-савол	Назарий ва амалий таълим машғулотдан	0-12
2-савол	Назарий ва амалий таълим машғулотдан	0-12
3-савол	Назарий ва амалий таълим машғулотдан	0-12
4-савол	Мустақил таълим машғулотдан	0-12
5-савол	Мустақил таълим машғулотдан	0-12
Жами		0-60



С.Р.

Муаян фандан якуний назорат ёзма иш саволларга 50 баллни тақсимот
ЖАДВАЛИ (якуний назорат тест шаклида 50 та саволга 1 баллдан)
 Биология, Кимё, Физика (2022-2023 ўйкув йилдан Мухандислик физика институти), Математика факультет
 талабаларига учун

Саволлар	Савол қайси тур машғулотга тегишли	Савол жавобига бериладиган балл
1-савол	Назарий ва амалий таълим машғулотдан	0-10
2-савол	Назарий ва амалий таълим машғулотдан	0-10
3-савол	Назарий ва амалий таълим машғулотдан	0-10
4-савол	Мустакил таълим машғулотдан	0-10
5-савол	Мустакил таълим машғулотдан	0-10
Жами		0-50



1 shakl

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
Samarqand davlat universiteti

BAHOLASH QAYD NOMASI № _____

Fakultet nomi : Tarix

Talim yo'nallishi (mutaxassislik) nomi: 60220300 - Tarix

O'quv yili: 2021-2022 o'quv yili 2 semestr 101guruh

Fan nomi:

Fan o'qituvchilari: _____

Yakuniy nazorat mas'uli: _____

Semestrda fanga ajratilgan umumiyo soatlar/kredit: _____

Yakuniy nazorat/qayta topshirish o'tkazilgan sana: _____

Nº	Talabaning familiyasi, ismi, otasining ismi	Talabaning ID raqami	DF (20 b)	MT (20 b)	YN (60 b)	UB (100 b)	Talaba ning bahosi *
1	Amonova Kamola Baxodir qizi	312201100370					
2	Ergashboyev Jonur Uchqun o'g'li	312201100444					
3	Shonazarov Shohboz Ulug'bek o'g'li	312201100674					
4	Usmanova Kamola Ulug'bek qizi	312201100440					
5	Dusbekov Elshod Sherali o'g'li	312201103786					
6	Bekmurodova Guldona Abdug'ani Qizi	312201100396					
7	Ahatova E'tibor Saidqul Qizi	312201104562					
8	Mo'minov Shertoy Absalom o'g'li	312201100432					
9	Do'stmurodov Davlatjon Dilmurod o'g'li	312201100437					
10	Narzullayeva Xumora Abbas qizi	312201100438					
11	To'xtayeva Zebo Mehroj qizi	312201100464					
12	Nomozova Laylo Zafar qizi	312201103539					
13	Ergasheva Sabina Komiljon qizi	312201100436					
14	Ikromjonova Mehrangez Shermatovna	312201100371					
15	Rabbimova Sug'diyona Latif qizi	312201100433					
16	Xalilov Javohir G'olib o'g'li	312201100431					
17	Turdiqulova Dilsora Zafar qizi	312201100443					
18	Hasanova Parizoda Sirojiddinovna	312201100441					
19	O'lmasov Nurzod SherAli o'g'li	312201100439					
20	Sanatilloyeva Shaxlo Jamshedovna	312211100027					
21	Saparova Shoxida Talat qizi	312211100118					
22	Sa'dullayev Sherbek Alisher o'g'li						

*To'plangan ball quyidagi tartibda bahoga konvertatsiya qilinadi: 87-100 - 5; 73-86 - 4; 60-72 - 3; 0-59 - 2.

Jami talabalar: 22 ___, shundan, «5»: ___, «4»: ___, «3»: ___, «2»: ___, Kelmadni: _____
Fakultet dekanini _____

imzo

F.I.O.

MT topshirigini baholash
komissiyasi

Imzo

F.I.O.

Yakuniy nazorat mas'uli

Imzo

F.I.O.

Kafedra mudiri

Imzo

F.I.O.

Ro'yxatga olindi: № _____ Sana: _____

O'quv-uslubiy boshqarma boshlig'i: _____

M.O'

Imzo

F.I.O.

1 shakl

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
Samarqand davlat universiteti

BAHOLASH QAYD NOMASI № _____

Fakultet nomi : Biologiya

Talim yo'nallishi (mutaxassislik) nomi: 60510100 -Biologiya (turlar bo'yicha)

O'quv yili: 2021-2022 o'quv yili 2 semestr 101guruh

Fan nomi:

Fan o'qituvchilari: _____

Yakuniy nazorat mas'uli: _____

Semestrda fanga ajratilgan umumiy soatlar/kredit: _____

Yakuniy nazorat/qayta topshirish o'tkazilgan sana: _____

Nº	Talabaning familiyasi, ismi, otasining ismi	Talabaning ID raqami	DF (20 b)	MT (30 b)	YN (50 b)	UB (100 b)	Talaba ning bahosi *
1	Amonova Kamola Baxodir qizi	312201100370					
2	Ergashboev Jonur Uchqun o'g'li	312201100444					
3	Shonazarov Shohboz Ulug'bek o'g'li	312201100674					
4	Usmanova Kamola Ulug'bek qizi	312201100440					
5	Dusbekov Elshod Sherali o'g'li	312201103786					
6	Bekmurodova Guldona Abdug'anı Qizi	312201100396					
7	Ahatova E'tibor Saidqul Qizi	312201104562					
8	Mo'minov Shertoy Absalom o'g'li	312201100432					
9	Do'stmurodov Davlatjon Dilmurod o'g'li	312201100437					
10	Narzullayeva Xumora Abbas qizi	312201100438					
11	To'xtayeva Zebo Mehroj qizi	312201100464					
12	Nomozova Laylo Zafar qizi	312201103539					
13	Ergasheva Sabina Komiljon qizi	312201100436					
14	Ikromjonova Mehrangez Shermatovna	312201100371					
15	Rabbimova Sug'diyona Latif qizi	312201100433					
16	Xalilov Javohir G'olib o'g'li	312201100431					
17	Turdiqulova Dilsora Zafar qizi	312201100443					
18	Hasanova Parizoda Sirojiddinovna	312201100441					
19	O'lmasov Nurzod Sherali o'g'li	312201100439					
20	Sanatilloyeva Shaxlo Jamshedovna	312211100027					
21	Saparova Shoxida Talat qizi	312211100118					
22	Sa'dullayev Sherbek Alisher o'g'li						

*To'plangan ball quyidagi tartibda bahoga konvertatsiya qilinadi: 87-100 – 5; 73-86 – 4; 60-72 – 3; 0-59 – 2.
Jami talabalar: 22 ___, shundan, «5»: ___, «4»: ___, «3»: ___, «2»: ___, Kelmadи: _____

Fakultet dekanı imzo F.I.O.

MT topshirigini baholash
komissiysi
Yakuniy nazorat mas'uli

Imzo F.I.O.

Kafedra mudiri

Imzo F.I.O.

Imzo F.I.O.

Ro'yxatga olindi: № _____ Sana: _____

O'quv-uslubiy boshqarma boshlig'i: _____

M.O'

Imzo

F.I.O.

